

TEDAŞ (ТЕДАШ)-ТЮРКИЕ ЭЛЕКТРИК ДАГЫТЫМ АНОНИМ ШИРКЕТИ
(АО «ТУРКИЯНИНГ ТАҚСИМЛОВЧИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»)

TÜRKİYE ELEKTRİK DAGITIM A.Ş.
ТЮРКИЕ ЭЛЕКТРИК ДАГЫТЫМ АНОНИМ ШИРКЕТИ
(АО «ТУРКИЯНИНГ ТАҚСИМЛОВЧИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»)

ТЕХНИК ШАРТЛАРИ (ХУСУСИЯТЛАРИ)

ИХЧАМ (КИЧИК ЎЛЧАМЛИ)
МЕТАЛЛ ҚОПЛАМАДАГИ ҲАВО ИЗОЛЯЦИЯЛИ МОДУЛЛИ ТАҚСИМЛОВЧИ
ХОНАЧАЛАРИ БИЛАН
БЕТОН КОРПУСДАГИ ЮҚОРИ/ПАСТ КУЧЛАНИШЛИ
ТҮЛИҚ ТРАНСФОРМАТОРЛИ ПОДСТАНЦИЯЛАР

Апрель – 2000 йил
Ревизия: Сентябрь -2003 йил
Ревизия: Март - 2009 йил
Ревизия: Сентябрь -2014 йил

МАЗМУНИ

I-БЎЛИМ

- 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**
 - 1.1. Мавзу ва мазмуни
 - 1.2. Стандартлар
 - 1.3. Қонунчилик ва мөъёрий хужжатлар
 - 1.4. Иш шартлари
- 2. ЛОЙИХАЛАШ ВА КОНСТРУКТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ**
 - 1.5. Тури
 - 1.6. Тартибга солиш ва ўлчовлар
 - 1.7. Ихчам (кичик ўлчамли) тўлиқ трансформаторли подстанцияларнинг конструктив хусусиятлари (тавсифномалари).
 - 2.3.1. Корпуснинг(қопламанинг) механик кучлар(ташқи омиллар)нинг таъсирига чидамлилиги.
 - 2.3.2. Бетон ва темир(пўлат) арматуранинг тавсифномаси(хусусиятлари).
 - 2.3.3. Ҳимоя даражаси
 - 2.3.4. Сувга чидамлилик
 - 2.3.5. Корпус синфи
 - 2.3.6. Шамоллатиш
 - 2.3.7. Перегородки
 - 2.4. Эшиклар ва қулфлар (қулфлаш механизмлари)
 - 2.4.1. Эшиклар
 - 2.4.2. Қулфлар (қулфлаш механизмлари)
 - 2.5. Ускуналарни ўрнатиш
 - 2.6. Ички электр ёйининг қаршилиги
 - 2.7. Кабелли кириш ва чиқишилар
 - 2.8. Хизмат кўрсатиш/фойдаланиш даҳлизи(йўлаклари)
 - 2.9. Товушнинг тарқалиши
- 3. АСБОБ-УСКУНАЛАР**
 - 3.1. Юқори ва паст кучланишли тақсимловчи трансформатор.
 - 3.2. Ҳаво изоляцияси билан металл корпусдаги (қопламадаги) модулли тақсимловчи хоначалари билан тўлиқ юқори вольтли тақсимлаш ва бошқариш курилмалари.
 - 3.3. Паст кучланишли тақсимлаш панели(қалқони).
 - 3.4. Ички симли уланишлар
 - 3.5. Симли учлари
 - 3.6. Ерга улаш тизими
 - 3.6.1. Ҳимоявий ерга улаш
 - 3.6.2. Эксплуатацион (ишловчи) ерга улаш
 - 3.7. Ички ёритиши
 - 3.8. Қувватлагичлар гурӯҳи билан тузатгичлар
 - 3.8.1. Қувватлагичлар гурӯҳи билан тузатгичларнинг конструктив хусусиятлари
 - 3.8.2. Қувватлагичлар гурӯҳи билан тузатгичларнинг электрли хусусиятлари
 - 3.9. Ҳимоя-назорат ва сигнал тизими
 - 3.10. Хато индикатори тузилиши
- 4. КЎРСАТКИЧЛАР ВА ОГОҲЛАНТИРУВЧИ БЕЛГИЛАР**
- 5. КОРРОЗИЯДАН САҚЛАШ ЧОРАЛАРИ**
 - 5.1. Умумий
 - 5.2. Бўяш
 - 5.3. Гальванизациялаш
- 6. МОНТАЖ МАЙДОНЧАСИДА ЎРНАТИШ**

7. ЭХТИЁТ МАТЕРИАЛЛАР
8. СИНОВЛАР
 - 8.1. Одатдаги (турли) синовлар
 - 8.2. Мунтазам синовлар
 - 8.2.1. Батареялар гурухи билан тузатгичлар учун одатдаги (турли) (мунтазам) синовлар
9. ПРОТИПЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ
10. ҚАБУЛ ҚИЛИШ СИНОВЛАРИ ВА ҚОИДАЛАР
 - 10.1. Танлов синовлари (намуналарни танлаш) ва қабул қилиш синовлари
 - 10.1.1. Намуналарни танлаш
 - 10.1.2. Қабул қилиш синовлари
11. МАТЕРИАЛЛАР ТИЗИМИ/РҮЙХАТИ
12. КАФОЛАТЛАНГАН ХУСУСИЯТЛАР РҮЙХАТИ
13. ТЕХНИКАВИЙ ЧИЗМАЛАР

II - БҮЛІМ

1. ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕЗОНЛАРИ
2. ҚАБУЛ ҚИЛИШ СИНОВЛАРИ УЧУН ҚОИДАЛАР
3. ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН СИНОВЛАРДАН ТАШҚАРИ КҮРИБ ЧИҚИШ, ЎРГАНИШ, ТЕКШИРИШ ВА БОШҚА СИНОВЛАР
4. ТАШИШ
5. ТЕНДЕР /ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ БИЛАН ТАҚДИМ ҚИЛИНГАН ҲУЖЖАТЛАР
6. ТЕНДЕР /ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ БАҲОЛАРИ
7. КАФОЛАТЛИК

ИЛОВАЛАР:

Илова №1: Одатдаги (турли) суратлар, тушунтиришлар (Илова -1А, Илова -1В, Илова - 1С)

Илова №2: Ҳимоя ерга улаш ўтказгичнинг тасаввурлари

Илова №3: Материаллар тизими/рүйхати

Илова №4: Кафолатланган тавсифномалар (хусусиятлар) рүйхати/тизими

Илова №5: Ахборот шакли

Илова №6: Огоҳлантирувчи ҳавф белгисининг тасвирланиши

ИХЧАМ (КИЧИК ЎЛЧАМЛИ)

МЕТАЛЛ ҚОПЛАМАДАГИ ЭЛЕГАЗЛИ ИЗОЛЯЦИЯЛИ
МОДУЛЛИ ХОНАЧАЛАРИ БИЛАН
**БЕТОН КОРПУСДАГИ ЮҚОРИ/ПАСТ КУЧЛАНИШЛИ
ТҮЛИҚ ТРАНСФОРМАТОРЛИ ПОДСТАНЦИЯЛАР УЧУН
ТЕХНИК ШАРТЛАРИ (ХУСУСИЯТЛАРИ)**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мавзу ва мазмуни:

Ушбу техник шартлар (хусусиятлар) номинал кучи¹, тури ва тавсифномаси (бундан кейин – «Ихчам (кичик ўлчамли) подстанциялар» деб аталувчи) №1 Иловада кўрсатилган ихчам (кичик ўлчамли) тўлиқ моноблокли юқори/паст кучланишли ички бошқарувли (эксплуатация, хизмат қўрсатиш) металл қопламадаги модули хоначалари билан 36 кВ гача бўлган тизимнинг максимал номинал кучланиши билан трансформатор подстанцияларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш шартларини ўз ичига олади.

Ушбу техник шартлар (хусусиятлар) миқёсидаги юқори завод тайёрловидаги ихчам (кичик ўлчамли) подстанциялар юқори/паст кучланишли тақсимловчи куч трансформаторлари билан, металл қопламадаги юқори вольтли тақсимлаш ва бошқариш қурилмалари билан, паст вольтли панель, хато индикатори қурилмалари билан ва бошқа ишлаб чиқарувчи заводида синалган ва ўрнатилган асбоб-ускуналар орасида бажарилган тайёр уланишлар билан моноблок корпусига ўрнатилган (бекитилган) ёрдамчи асбоблар билан етказилади.

1.2. Стандартлар

Ушбу техник шартлар (хусусиятлар) миқёсидаги ихчам (кичик ўлчамли) подстанциялар ва бу подстанцияларда ишлатиладиган ускуналар қуйида кўрсатилган сўнгги нашрлардаги Халқаро электротехник комиссия (IEC, EN, HD, ISO) ва Турк стандартлари (TS), шунингдек қуйида кўрсатилган жадвалга киритилмаган, лекин техник шартларнинг кейинги қисмларида эътиборга олинувчи бошқа стандартлар талабларига мувофиқ тайёрланади (ишлаб чиқарилади) ва синовдан ўтказилади. IEC – электр, электрон ва оралиқ технологиялар соҳасида стандартизациялаш бўйича халқаро нотижорат ташкилоти.

Турк стандартлари рақами (TS)	Халқаро стандартлар рақами (IEC, EN, HD, ISO)	Стандартлар номи
TS EN 62271-202	IEC 62271-202	Юқори вольтли тақсимлаш ва бошқариш қурилмалари. 202 қисм. Юқори/паст кучланишли тайёр терма тўлиқ трансформаторли подстанциялар.
TS EN 62271-200	IEC 62271-200	Юқори вольтли тўлиқ тақсимлаш ва бошқариш қурилмалари 200 қисм. 1 кВ дан 52 кВ гача номинал кучланишга мўлжалланган металл қопламадаги ўзгарувчан токнинг тўлиқ тақсимлаш қурилмалари.
TS EN 62271-105	IEC 62271-105	Юқори вольтли тўлиқ тақсимлаш ва бошқариш қурилмалари. 200 қисм. Ўзгарувчан ток учун ажратгич-химоя блоклари.

¹ Ихчам (кичик ўлчамли) подстанцияларда фойдаланиладиган тақсимлаш трансформаторининг ва паст кучланишли панелнинг кучи материаллар тизими/рўйхатида Харидор/Буюртмачи томонидан кўрсатилади. Белгиланувчи куч ихчам (кичик ўлчамли) подстанцияларнинг номинал кучидан ошмаслиги лозим.

TS EN 60076-1	IEC 60076-1	Кувват трансформаторлари. 1 қисм. Умумий қоидалар
TS EN 60076-10	IEC 60076-10	Кувват трансформаторлари. 10 қисм. Шовқин даражасини аниқлаш.
TS EN 60076-11	IEC 60076-11	Кувват трансформаторлари. 11 қисм. Куруқ трансформаторлар
TS EN 61439-1	IEC 61439-1	Паст вольтли тўлиқ тақсимлаш ва бошқариш қурилмалари. 1 қисм. Умумий қоидалар.
TS 3033 EN 60529	IEC 60259	IP тизими бу электр ускунаси қопламасининг ҳимоя даражасининг халқаро стандартлар бўйича таснифлагичидир. (Ҳимоя белгиси IP белгилашига эга)
TS IEC 60502-1	IEC 60502-1	1 кВ ($Um=1,2$ кВ) дан 30 кВ ($Um=36$ кВ) гача бўлган экструдирланган изоляцияли қувват симлари ва симли

		арматура. 1 қисм. 1 кВ ($U_m=1,2$ кВ) и 3 кВ ($U_m=3,6$ кВ) номинал кучланишга симлар.
TS IEC 60502-2	IEC 60502-2	1 кВ ($U_m=1,2$ кВ) дан 30 кВ ($U_m=36$ кВ) гача номинал кучланишга экструдирланган изоляцияли қувват симлари ва симли арматура. 2 қисм. 6 кВ ($U_m=7,2$ кВ) дан 30 кВ ($U_m=36$ кВ) номинал кучланишга симлар
TS EN 61442	IEC 61442	Электр симлари. 6 кВ ($U_m=7,2$ кВ) дан 30 кВ ($U_m=36$ кВ) гача номинал кучланишга қувват симлари арматураси учун синов усуллари
TS HD 629. 1 S2	HD629.1 S2	3,6/6(7,2) дан 20,8/36 (42) кВ гача номинал билан қувват симларида фойдаланиш учун арматуралар синовлари бўйича талаблар; 1 қисм: экструдирланган изоляцияли симлар;
TS IEC 60787	IEC 60787	TS IEC 60787 IEC 60787 трансформаторли занжирлар учун юқори вольтли ҳимоянинг сузувчан қўшимчаларини танлаш бўйича қўлланма.
TS 822	ISO 4998	Углеродли юпқа узлуксиз иссиқ рухлаш усули билан қопланган конструкцион пўлат.
TS EN ISO 1461	EN ISO 1461	Чўян ва пўлат буюмларига иссиқ рухлаш усули қўлланилган қопламалар. Техник талаблар ва синов усуллари.
TS EN ISO 1460	EN ISO 1460	Қора металларга иссиқ рухлаш усули билан олинган металл қопламалар. Майдон бирлигига нисбатан оғирликни аниқлаш.
TS EN ISO 2409	EN ISO 2409	Лак-бўёқ материаллари. Адгезияни панжарали кесма усули билан аниқлаш.
TS EN ISO 4628-3	ISO 4628-3	Лаклар ва бўёқлар. Қопламаларнинг емирилиш даражасини баҳолаш. Та什қи кўриниш бир ҳилдаги ўзгаришларининг миқдори ва дефект ўлчамини баҳолаш. 3 қисм. Занглаш даражасини белгилаш.
TS 2093 EN 60068-2-1 1	EN 60068-2-11	Ташқи омилларнинг таъсирига синов. 2-11 қисм. Синовлар. Ка синови: Тузли туман
TS EN 60068-3-3	IEC 60068-3-3	Ташқи омилларнинг таъсирига синов. 3 қисм. Қўлланма. Ускуналар учун сейсмик синов усуллари.
TS EN206	EN 206	Бетон. 1 қисм. Аниқлаш, хусусиятлари, ишлаб чиқариш ва мувофиқлик.
TS 708		Темир бетон учун арматура.
TS 500		Темир бетон конструкцияларни лойиҳалаш ва қуриш қоидалари.
TS 1352-2 EN 60896-21	IEC 60896-21	Қўргошинли-ишқорли қувват батареялари. 21 қисм: Клапанли тартибли солиши билан қувват батареялари тури. Синов усуллари.
TS 1352-3 EN 60896-22	IEC 60896-22	Қўргошинли-ишқорли стационар қувват батареялари. 21 қисм: Клапанли тартибли солиши билан қувват батареялари тури. Синов усуллари.
TS EN 60146-1-1	IEC 60146-1-1	Ярим ўтказгичли ўзгартирувчилар Умумий талаблар ва чизиқли коммутацияли ўзгартирувчилар. 1-1 қисм. Асосий талабларга техник шартлар.
TS EN 60335-1	IEC 60335-1	Маиший ва ўхшаш электр буюмлари. Ҳавфсизлик. 1 қисм. Умумий талаблар.
TS EN 60831-1	IEC 60831-1	Ўзгарувчан ток тизими учун номинал кучланиш 1000 В гача ўзини тиклаш туридаги конденсаторлар кучи шунтаси,- 1 қисм: Умумий - Ишлаб чиқариш, тест синови ва рейтинг – Ҳавфсизлик талаблари – Ўрнатиш ва фойдаланиш бўйича қўлланма.
TS HD 620 S2	HD 620 S2-EQV	3,6 / 6 (7,2) кВ дан 20,8 / 36 (42) кВ гача номинал кучланишга экструдирланган тақсимлаш симлари

Юқорида кўрсатилган TS, EN, HD и IEC стандартларининг кучга кириш саналари орасидаги фарқ ҳолларида EN, HD ва IEC стандартлари босим кучга эга бўлади.

Бошқа эквивалент ва анча юқори стандартлар қабул қилиниши мумкин. Тижорат таклифини тақдим этувчи қўлланиладиган стандартнинг нусхасини инглиз тилида ёки турк тилида ўзининг аризаси/тижорат таклифи билан тақдим этиши лозим.

1.4. Қонунчилик ва меъёрий хужжатлар

Ихчам (кичик ўлчамли) подстанцияларни лойиҳасини ясашда ва ишлаб чиқаришда қуидагиларга риоя қилинади:

- Кувват (кучли оқим)ли обьектларга қонунчилик ва меъёрий хужжатларнинг талаблари,
- Электр таъминоти обьектларида ерга улаш қоидалари,
- Сейсмик ҳавфли зоналарда обьектлар қурилишига қонунчилик ва меъёрий хужжатларнинг талаблари.

1.4. Ишнинг шартлари

Агар материаллар тизими/рўйхатида техник шартлар (хусусиятлар) маълумотларига киритилган бошқа ихчам (кичик ўлчамли) подстанциялар кўрсатилмаган бўлса, қуида кўрсатилган эксплуатация шароитларида ташқи ўрнатиш учун яроқлидир:

Тепалик ³	1000 м, 2000 м	
Атроф-муҳит ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$) ³	-25	-50
- Энг паст	40	50
- Энг баланд.....	3	45
- 24-соатлик ўртача.....		
Атроф-муҳитнинг ифлосланлиги	III даражা	
Энг юқори қуёш радиацияси	1000 Ватт/м ²	
Нисбий намлик (%)		
- Минимал	95	
- Максимал.....	60	
-24-соатлик ўртача	80	
Зилзила		
- Горизонтал йўналишда тезлашиш...	0.5 г.	
- Вертикал йўналишдаги тезлашиш....	0.4 г.	
Тизимни ерга улаш ³	Резистор орқали ерга уланган Тўғри/тўғридан-тўғри ерга улаш	

2. ЛОЙИҲАЛАШ ВА КОНСТРУКТИВ ХУСУСИЯТЛАР

Ихчам (кичик ўлчамли) подстанцияларнинг бетонли корпуси (қутиси) ечиладиган қопқоқ билан ишлаб чиқарилади: резервуар/пойдевор қисми ва ён деворлари моноблокли тайёрланади, қопқоғи эса ечиладиган бўлади. Маҳкамлагичлар билан таркибий қисмлардан ийғилган конструкция моноблокли деб ҳисобланмайди.

2.1. Тури

Ушбу техник шартлар (хусусиятлар) миқёсидаги ихчам (кичик ўлчамли) подстанциялар ишга тушириш нуқтаи назаридан «ички бошқарувли/хизмат кўрсатувчи» бўлади (ичкарисида юриш мумкин).

2.2. Тартибга солиш ва ўлчамлар

- а) Ихчам (кичик ўлчамли) подстанциялар атроф-мухит ва саноат эстетик ўлчамлари билан ўзининг шакли, ўлчами ва рангига кўра мос келади.
- б) Ихчам (кичик ўлчамли) подстанциялар резервуари/пойдеворининг шакли техник шартлар (хусусиятлар)да кўрсатилган тушунтиришлар ва кўрсатилган ўлчамларни хисобга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи томонидан шаклланади.
- в) Ўзига ўрнатилган ускуналар (тўлиқлик ва завод тайёрловида) билан ихчам (кичик ўлчамли) подстанциялар автомобиль транспортида ташишга яроқли.
- Йилни ихчам (кичик ўлчамли) подстанциянинг корпусида 4 дона миқдоридаги ҳалқалар, кансалар ёки бошқа мос ускуналар тақдим этилади.
- г) Ихчам подстанциянинг томи юклаш/туширишда, ташишда ва йигишда заарланишнинг олдини олиш учун тегишли конструкцияга эга бўлади. Агар бунинг учун қўшимча ускуналар (жиҳозлар) керак бўлса ва Харидор//Буюртмачи томонидан талаб қилинганбўлса, Пудратчи/Етказиб берувчи уни етказиб беради.
- д) Подстанциянинг трансформаторли бўлимни қўйидаги тавсифга эга бўлади:
- TEDAŞ (ТЕДАШ)нинг техник шартларига мувофиқ трансформаторли бўлимда ёғли ёки қуруқ юқори/паст кучланишли тақсимлаш қувват трансформаторларидан фойдаланилади.
 - Трансформатор бўлимида ихчам подстанциянинг номинал кучига тенг кучли ёғли трансформаторда барча ёғни йигиш учун етарли ҳажмдаги ёғ йигиш баки назарда тутилган бўлади ёки бу мақсадларда ёғга чидамли чуқур/майдонча/остона баландлигига тенг полли асосни фойдаланиш мумкин. Ёғ йиғувчи бак ёғнинг бошқа қисмларига тушиши ва корпусдан оқиб чиқиб, тупроқ билан аралashiшининг олдини олиш бўйича қўшимча чора сифатида DIN18-195 стандартига кўра битумли-резинали латексли эмульсия асосидаги изоляцион материал билан қопланган бўлади.

³ Материаллар тизими/рўйхатида Харидорга/Буюртмачиге кўрсатиш лозим.

- Трансформатор рельсининг ўқлари орасидаги масофа рельслар орасидаги ҳар хил масофали турли ҳил кучдаги трансформаторларни жойлаштириш мумкин бўлиши учун 820 мм гача тартибга солиниш имкониятига эга.

1-Жадвал

Юқори/паст кучланишли тақсимлаш трансформаторининг кучи	Рельс ўқлари орасидаги масофа
50-250 кВА	520 мм
400-630 кВА	670 мм
800-1600 кВА	820 мм

е) Юқори кучланишли тақсимлаш қурилмаларининг хоначалари ўрнатилиб бекитиладиган ихчам подстанциялар заминининг қопламаси ихчам подстанцияларда фойдаланишга бўладиган юқори кучланишли хоначаларининг бироз миқдорини жойлаштириш учун мос/яроқли бўлади. Фойдаланилмайдиган хоначалар учун қўйилган замин қопламасидаги тешиклар мос қопқоқлар билан ёпилади. Полнинг қопламасидаги тешиклар ер сатҳидан 10 см баландликда жойлаштирилади. Трансформатор бўлимида «полнинг қопламаси» бўлмайди. Полнинг қопламасидаги қопқоқ(лар)/люклар ички ейни ўчиришда келиб чиқадиган катта босимга чидамли бўлади.

ё) Ихчам подстанцияларда фойдаланиладиган барча скуналар қўйидагича жойлаштирилган уч мустақил бўлимга жойлаштирилади:

- Юқори кучланишли бўлимда металл қопламадаги юқори кучланишли тақсимлаш ва бошқариш қурилмалар ўрнатилади.
- Трансформаторли бўлимида юқори/паст кучланишли тақсимловчи қувват трансформатори ўрнатилади.
- Паст кучланишли тақсимлаш бўлимида паст кучланишли тақсимлаш панели ўрнатилади.

ж) Ихчам подстанциянинг резервуари/пойдевор қисмининг⁴ қалинлиги ички томондан (резервуари/пойдевор қисмининг деворларнинг ички қисминдан) 690 мм дан кам бўлмайди. Резервуар/пойдевор бўлими юқори кучланишли хоначалари билан 800 мм дан кам эмас чуқурликдан етказилувчи энг кам эгилиш радиусини таъминлаб тикилган полиэтиленли (XLPE) изоляцияли ва 240,32 кесмали 20.3/36 (42) кВ юқори кучланишли бир пайли симнинг алоқасини таъминлаш учун мос бўлиши назарда тутилади.

Ихчам подстанцияларда XLPE изоляцияли 1x300мм² кесмали алюминий ўтказгичли 20.3/36(42) кВ юқори кучланишли симнинг талаб қилинаётган эгилиш радиусини таъминлаш учун ишлатилган ҳолларда монтаж TS HD 620 S2, “А” Иловаси «Симларни танлаш ва ишлатиш бўйича қўлланма» бўлимининг «Монтажда эгилиш радиуси» А.4.6. банди талабларига кўра бажарилади, аникроқ:

- Бир эгилиш (масалан: кабелни тугатиш билан уланиш)
- Симнинг зарур ҳарорати 30°C дан кам эмас ёки 30°Cгача қизиш;
- Симнинг шаблон ёки олдиндан шаклланган цилиндрлар ёрдамида эгилиши.

Юқоридаги талабларга риоя қилиб симларни рухсат этилган 15D эгилиш радиуси монтаж қилинча симнинг эгилиш радиуси 50% гача камайиши мумкин.

з) Симни резервуар/пойдевор бўлимига киритгандан кейин зарур герметиклик билан таъминланади. Бу учун симларнинг резервуар/пойдевор бўлимига ўтишида сув ўтказувчанлик, заараркунандалар, кемирувчилар ва б.к. сингари потенциал ҳавфдан изоляцияни таъминловчи галогенсиз резина/силикон асосидаги изоляциянинг модулли тизими фойдаланилади.

⁴ Резервуар бўлимини типли расмларда кўриш мумкин. Резервуар бўлим ҳам пойдевор сифатида хизмат қилганликдан, кейинчалик у резервуар-пойдевор бўлими деб юритилади

и) Ихчам подстанциянинг резервуар/пойдевор бўлимида ихчам подстанциянинг қандай даражада ерга кўмилган бўлиш белгиси, бошқача айтганда ер сатҳи белгиси кўрсатилган бўлади.

й) Ихчам подстанция одатдаги (турли) ишга тушириш, кўрик, текширишлар, синовлар ва техник хизмат кўрсатиш енгил ва ҳавфсиз амалга ошириладиган этиб қурилади.

Шунга мувофик;

- Тақсимлаш қурилмасининг юқори кучланишли хоначаларида ва паст кучланишли панелларда жойлашган қайта ёқувчи/тақсимловчи бошқариш сингари одатдаги (турли) иш/эксплуатацион операцияциялар ва паст кучланишли кириш/чиқиш занжирини ўлчаш енгил бажарилиши мумкин,
- Барча бошқариш ва ҳимоя блокларига енгил қўл етказиш мумкин.
- Юқори кучланишли ва паст кучланишли симларда ишдан чиқиш ўринларини аниқлаш. фазалар тартибини назорат қилиш сингари ўлчашлар ва синовлар, диэлектрик синовлар енгил ва ҳавфсиз бажарилиши мумкин.
- Ихчам подстанциялар хоначаларида энг камида икки ерга уланган розетка бўлиб, 1 розетка тузаткич қурилмани улаш учун, иккинчичиси эса эҳтиёт қисм сифатида бўлади.

2.3. Ихчам(кичик ўлчами) тўлиқ трансформаторли подстанцияларнинг конструкцион хусусиятлари (тавсифномаси).

2.3.1. Корпуснинг(қопламанинг) механик кучларга чидамлилиги.

- Ихчам подстанциянинг томи 2500 Н/м²дан кам бўлмаган механик кучга чидамли.
- Паст кучланишли(вольтди) тақсимлаш панели(қалқони) ва юқори кучланишли хоначалар ўрнатилиб, бекитиладиган пол қопламаси/пол ва бу полдаги қопқоклар/люклар 2500 Н/м² дан кам бўлмаган механик кучга чидамли бўлади.
- Корпус секундига 34 метрдан кам бўлмаган шамол босимига чидамли.

- Шамоллатиш пардалари (жалюзи) ичкаридан ва ташқаридан 20 Дж га мос бўлган (IK10) механик зарбасига чидамли.

2.3.2. Бетоннинг ва темир арматуранинг тавсифномаси (хусусиятлари).

а) Бетоннинг тавсифномаси:

- TS EN 206 стандартининг талабларига мувофиқ тайер бетондан фойдаланилади.
- Бетон синфи TS EN 206 га мувофиқ камида C35/45 га мос келади.
- Бетоннинг сифат назорати ва қабул қилиш шартлари TS EN 206нинг 8 моддасининг талабларига мос бўлади.

б) Темир арматура:

- Бетон учун арматура сифатида фойдаланиладиган темир TS 708 стандарти талабларига мос бўлади.
- Ихчам подстанциясининг томи ва корпуси орасидаги боғланишини тартиба солиш мумкин.
- Томда кран ёрдамида томни қўтаришга мумкин бўлган рим-болтлар/проушинлар ёки ўхшаш тизим назарда тутилган.

2.3.3. Ҳимоя даражаси

TS 3033 EN 60259 талабларига кўра ихчам подстанциянинг корпуси ва шамоллатиш панеллари қаттиқ жисмлардан, чанг ва сувдан, ҳаракатланувчи қисмларга тегиб кетишидан, кучланишли қисмлар/бўлимлар билан алоқадан сақлайдиган IP 23D даражасини таъминлайди.

2.3.4. Сувга чидамлилик

Ихчам подстанциянинг томидан, ён деворларидан ва резервуар/пойдевор бўлимидан ташкил топган корпуси бутунлай сув ўтказмайди.

Ёмғир ва эриган сувлар томда йиғилмасдан енгил оқиб кетиши учун ихчам подстанциянинг томи ўзига хос нишабга эга бўлади, шунингдек томдаги сувнинг ташқи ён томонлардан оқиб тушмаслиги учун чора қўрилади. Томнинг гидроизоляцияси учун гидроизоляцион материаллардан (қумли мембрана, битумли материаллар ва б.к.) фойдаланилади.

2.3.5. Корпус синфи

Ихчам подстанция корпусининг сифати 10 синфга мос келади.

2.3.6. Шамоллатиши

Ихчам подстанцияни совутиш табиий шамоллатиши билан амалга оширилади. Шамоллатиши пардалари (жалюзи) 2 мм дан кам болмаган қалинликдаги металлдан тайёрланиб, ботириш усули билан рухланади. Тайёр рухланган металл бетини ишлаб чиқариш боришида гальванизация жараенида ночорламаслик шарти билан фойдаланиш мумкин

Агар бу Харидор/Буюртмачи томонидан материаллар тизими/рўйхатида кўрсатилган бўлса, ишлаб чиқарувчи томонидан иқлим шароитларига боғлиқ лойиҳалаштирилган бошқа совутиш воситалари (мажбурий совутиш ва б.к.)ни фойдаланиш мумкин. Шунга қарамасдан, «ҳароратни қўтариш (иситиш) бўйича синовлар» табиий совутиш билан амалга оширилади.

2.3.7. Бўлимлар

Юқори кучланишли хоначалар ва трансформаторлар бўлими орасидаги, шунингдек трансформатор бўлими ва паст кучланишли панел бўлими орасидаги тўсиқлар (симли ва ёғоч тўсиқлардан ташқари) ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилади.

2.4. Эшиклар ва қулфлар (қулфлаш механизмлари)

2.4.1. Эшиклар

Эшиклар энг катта ўлчамли ускуналарнинг эшикдан кириб чиқишига имкон берадиган етарли ўлчамда бўлиб, ташқари очиладиган ва қулфланадиган камидан уч илмоқ (шарнирлар) да осилиб туради. Эшиклар камидан 2 мм қалинликдаги рухланган металл қатламидан ясалади, эшикнинг ошиқ-мошиқлари эса зарур зичликни таъминлаш учун ичкаридаги куч хисобидан мустахкамланади. Ёпиқ ҳолдаги эшикни ечиш имконияти бўлмайди.

Очиқ турган эшиклар ишга ҳалақит бермайди, улар камидан 120° гача эшикнинг очиқ ҳолатини таъминловчи шамол босимига чидамли «стоп-эшик» тўхташ хизмати (чекловчиси) билан таъминланган.

Монтаж ўрнига ихчам подстанцияни ўрнатишда эшикнинг пастки қирралари ер сатҳидан камидан 1 см баландликда қолади.

Ёпиқ ҳолдаги эшиклар ва шамоллатиш пардалари (жалюзи) ичкаридан ва ташқаридан 20 Дж га мос келадиган (IK 10) механик зарбага чидамли бўлади.

Юқори кучланишли бўлимларда қўйидаги микдорда эшиклар назарда тутилган:

- юқори кучланишли 3 (уч) хонача сиғадиган максималликдаги ихчам подстанциялар учун икки томонли эшик;
- юқори кучланишли 4 (тўрт) ёки 5 (беш) хонача сиғадиган максималликдаги ихчам подстанциялар учун 2 (иккита) икки томонли эшик;
- юқори кучланишли 6 (уолти) ёки ундан кўп бирлиқдаги хоначалар сиғадиган максималликдаги ихчам подстанциялар учун 3 (учта) икки томонли эшик;

Эшиклар ички ёйни ўчиришда келиб чиқиши мумкин бўлганкатта босимга чидамлилик синовидан ўтган ихчам подстанцияларнинг форматида бўлади.

2.4.2. Қулфлар (қулфлаш механизмлари)

Ихчам подстанциянинг эшикларидаги барча қулфлар эшикка кесиб солинган ва бир калит билан қулфланади, уларни ташқаридан бузиш мумкин эмас. Шунингдек осма қулф учун ҳам керакли ускуналар назарда тутилган. Эшик қулфларида шарикли ёки яхшироқ тизимлар фойдаланилади, қулфлаш камидан уч жойдан таъминланади. Эшикка кесиб солинган қулфлар улар қулф бўлиб турса ҳам ичкаридан бураш ёки шунга ўхшаш оддий курилмалар ёрдамида калитсиз енгил очилади. Агар материал рўйхатида кўрсатилган бўлса эшикка қўйилган пароль Харидор/Буюртмачи сўрови билан қўйилади.

Қулфнинг(шунигдек осма қулфнинг) қулфлаш механизмига ёмғир ва қор сувларининг, кир ва чангнинг тушишининг олдини олиш бўйича чоралар кўрилади. Қулф механизми ташқи томондан химояланган ва чекланган бўлади (ташқаридан кўринмайди).

2.5. Ускуналарни ўрнатиш

- а) Ихчам подстанцияда ҳечқандай ускуна ер сатҳидан паст ўрнатилмайди.
- б) Ихчам подстанциянинг асосий жиҳозлари (юқори/паст кучланишни тақсимловчи қувват трансформатори, юқори кучланишли тақсимлаш қурилмасининг хоначалари, паст кучланишли панель, қувват батареялари гурухи билан тузатгич) 1А-Илова ва 1В-Илованинг расмларида кўрсатилганидек ўрнатилади.

Юқори/паст кучланишни тақсимловчи қувват трансформатори, юқори кучланишли тақсимлаш қурилмасининг хоначалари, паст кучланишли панель, қувват батареялари гурухи билан тузатгич U ёки I тарзидаги монтажли пўлат профилдан тайёрланган темир таянч конструкциясига ўрнатилган бўлади (тегишли жиҳознинг охирлигини кўтариш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда).

в) Ускуналарни ўрнатиш ва мустаҳкамлашда фойдаланиладиган қурилиш мустаҳкамлаш буюмлари/монтажли арматура қаттиқ ва коррозияга чидамли ёки антикоррозиявий материалдан тайёрланади, барча ускуналар ва қурилмалар бир ҳил материални фойдаланиб ўрнатилади. Монтаж ўрнида бу материалларни алмаштириш маҳсус асбобни фойдаланишини талаб қилмаслиги лозим.

г) Жиҳозлар ва ускуналарни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш усули ихчам подстанцияни ўрнатиш мухитидаги ёки ташиш вақтида ташқаридан келадиган таъсир/зарбага ва ҳаракатга ёки ишга

тушириш вақтида келиб ячиқан күч таъсирларига ҳеч қандай заарланишсиз чидамли бўлишини таъминлади.

д) Трансформаторни ўрнатишда юкламанинг тақсимланишига эътибор берилади ва силжиб кетишнинг (болтлар, қирралар ва б.к.) олдини олиш бўйича чоралар кўрилади.

е) Юқори кучланишли хоначаларнинг паст кучланишли шкафлари ихчам подстанциянинг тегишли бўлимининг очиқ эшикларида тўлиқ очилиши мумкин.

2.6. Ички электр ёйининг қаршилиги

Ихчам подстанциянинг таркибий қисми (корпуси, эшиклари, шамоллатиш пардалари (жалюзи) ва б.к.) юқори кучланишли тақсимлаш хоначаларида ёки юқори кучланишли ички уланишлардаги ички носозликлар натижасида келиб чиқадиган ички ёйга чидамли бўлади.

2.7. Симли кириш ва чиқишилар

Юқори кучланишли ва паст кучланишли симларнинг ихчам подстанциядаги кириш ва чиқишилари резервуар/пойдевор бўлимидағи симли ўтишларнинг етарли миқдори билан таъминланади. Резервуар/пойдевор бўлимига симли кириш ва чиқишилар ён томонларда бажарилади, ихчам подстанциянинг полли асосида/полда симли кириш ва чиқишилар бажарилмайди.

Резервуар/пойдевор бўлимига симли кириш ва чиқишилар (симларнинг ўтиши) жойларида сув ўтказувчанлик, заракунандалар ва кемирувчиларнинг кириб кетиши ва б.к. сингари потенциалли ҳавфлардан изоляцияни таъминловчи галогенсиз резина/силикон асосидаги изоляциянинг модулли тизимиши билан тегишли герметизациялаш назарда тутилган.

2.8. Хизмат кўрсатиши/ишга тушириш даҳлизи(йўлаги)

Ихчам подстанциядаги иш даҳлизининг (хизмат кўрсатиши/ишга тушириш йўлагининг) кенглиги ҳар қандай ишни ва техник хизмат кўрсатиши олиб бориш учун етарли бўлиши лозим. Бундай даҳлизнинг (хизмат кўрсатиши/ишга тушириш йўлагининг) кенглиги камида 800 мм бўлиши керак. Қайта ёқиши/тақсимлаш ва бошқариш қурилмаларидан чиқиб турган механик таркибий қисмлари (ажратгич-калит механизми, паст кучланишли бўлимининг чиқиб туркибий қисмлари) даҳлизнинг кенглигини камида 500 мм дан камайтирилмаслиги керак.

Агар паст кучланишли бўлимда компенсация панели ўрнатилган бўлса, паст кучланишли панель ва компенсация панели орасидаги иш даҳлизининг (хизмат кўрсатиши/ишга тушириш йўлагининг) кенглиги ҳар қандай ишни ва техник хизмат кўрсатиши олиб бориш учун етарли бўлиши, яъни 8 мм дан кам бўлмаслиги зарур.

2.9. Товушнинг тарқалиши

Подстанциядаги трансформатордан чиқаётган товушнинг (шовқиннинг) ихчам подстанция корпусига таъсирини баҳолаш учун TS EN 62271-202 стандартининг В-Иловаси талабларига кўра синов ўтказиш лозим.

3. ЖИХОЗЛАР/АСБОБ-УСКУНАЛАР

3.1. Юқори/паст кучланишли тақсимловчи қувват трансформатори.

Ихчам подстанцияда ишлатиладиган трансформаторларнинг техник тавсифномаси, ТЕДАШ (TEDAŞ-ТЮРКИЕ ЭЛЕКТРИК ДАГЫТЫМ Аноним Ширкети/АО «ТУРКИЯНИНГ ТАҚСИМЛОВЧИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»)нинг тегишли техник шартларига мос бўлади.

Тақсимлаш трансформаторининг техник тавсифлари кўрсатилган жадвал ва клемм қутиси трансформатор бўлимининг эшигини очища осон ва кўзга кўринарли жойда жойлаштирилади.

Ихчам подстанцияда ишлатиладиган тақсимлаш трансформаторларининг (максимал) ўлчамлари типли расмларда кўрсатилган

Ёғ түлдирилгандай тақсимлаш трансформаторларидан (герметик турдаги ва ёғли кенгайтирувчи бакли трансформаторларда) юқори кучланишли киришлар (ўтиш изоляторлари) ва TS EN 50181/EN 50181 стандартында мос келувчи олинадиган алоқа боғланишини таъминловчы экранлаштирилгандай симнинг симли учлари (алоқа қисмлари) ишлатилади.

Паст кучланишли киришлар (изоляторлар) 1кВ кучланишга паст кучланишли киришларни (изоляторларни) изоляциялаш учун модулли покришкалар (совук қўллаш)ни фойдаланиши туфайли тўсатдан тегиб кетишидан ҳимояланади.

Агар тақсимлаш қуруқ трансформаторлари ишлатиладиган бўлса, кучланиш остидаги қисмларга тўсатдан тегиб кетишидан ҳимоя қилиш ва олдини олиш чоралари кўрилади.

3.2 Ҳаво изоляцияли металл қопламадаги модулли тақсимлаш хоначалари билан тўлиқ юқори кучланишли тақсимлаш ва бошқариш қурилмалари.

Юқори кучланишли тақсимлаш ва бошқариш қурилмалари сифатида ТЕДАШ (TEDAŞ-ТЮРКИЕ ЭЛЕКТРИК ДАГЫТЫМ Аноним Ширкети/АО «ТУРКИЯНИНГ ТАҚСИМЛОВЧИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»)нинг техник шартларига кўра ихчам подстанцияда ҳаво изоляцияли металл қопламадаги модулли тақсимлаш хоначалари ишлатилади.

Юқори кучланишли хоначаларнинг ўртадаги хоначаларида жойлашиш ҳолларида, биринчи ва охирги хоначалар бундан мустасно, юпқа металлардан тўсиқлар кўйилади.

Ихчам подстанциядаги юқори кучланишли тақсимлаш ва бошқариш қурилмалари ёнида оператор кириши мумкин бўлган бўш ўриннинг мавжудлигига ва Харидорнинг/Буюртмачининг талаби билан хоначанинг бутун баландлиги бўйича охирги хонача ва орқа девор оралиғидаги масофа ички ёйнинг келиб чиқиш ҳолатида атроф муҳитга ва операторга зарап етказмаслиги учун 2 мм қалинликдаги юпқа металл билан ёпилган бўлади.

Юқ ажратгичи+сақлагич блоки жойлашган трансформаторнинг ҳимоя хоначасида фойдаланиши учун юқори кучланишли олдиндан ҳимоя воситасини танлаш TS EN 62271-105 стандарти талабларини эътиборга олган ҳолда юқори кучланишли тақсимлаш хоначасининг ишлаб чиқарувчиси томонидан амалга оширилади.

Хоначада ишлатиладиган юқори кучланишли олдиндан ҳимоя воситасининг йўналишини кўрсатувчи огохлантириш белгиси юқ ажратгичи+сақлагич блоки жойлашган трансформаторнинг ҳимоя хоначасининг қопқоғида жойлаштирилади.

Ҳаво изоляцияли металл қопламадаги модулли юқори кучланишли тақсимлаш хоначаларини бошқариш дастаси ва масофадан бошқариш пульти ихчам подстанциянинг ён деворларининг биридаги тегишли қурилмага осиб кўйилади.

Ихчам подстанциянинг юқори кучланишли хоначаси бўлименинг ичида изоляцияланган журнал станцияси ва тегишли ўлчамдаги изоляцияланган гиламча назарда тутилган.

3.3 Паст кучланишли тақсимлаш панели (қалқони)

- Ихчам подстанцияларда 1С-Иловасининг тушунтиришларига кура ишлаб чиқилган ТЕДАШ (TEDAŞ-ТЮРКИЕ ЭЛЕКТРИК ДАГЫТЫМ Аноним Ширкети/АО «ТУРКИЯНИНГ ТАҚСИМЛОВЧИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»)нинг техник шартларидаги тамойилларга мос паст кучланишли панеллар ишлатилади. Агар Харидор/Буюртмачи томонидан материаллар тизими/рўйхатида ёки тендерли хужжатларда, 1600 кВА кучдаги паст кучланишли панелларнинг лойиҳа ва тендерли хужжатларида кўрсатилмаган бўлса, унда бошқа таркибий қисмли паст кучланишли панелларни фойдаланиш мумкин;

- Конструкциявий таркибий қисмлари хусусиятлари бўйича ТЕДАШнинг техник шартлари тегишли асос сифатида қабул қилинади.

- Панелнинг кириш қисмидаги қисқа туташувнинг кутилган энг юқори ток оқимининг ўрта квадратли/ҳаракатдаги (унумли) қиймати 38 кА-унумли бўлади, энг юқори қиймати – 8кА, асосий шинани лойиҳалашда шинанинг ток оқими 2300Ампер бўлиб солинади. Харидорнинг/Буюртмачи сўрови бўйича ихчам подстанциянинг паст кучланишли панели бўлимида гармоник фильтрли паст кучланишли компенсация панелини ўрнатиш мумкин.

3.4 Ички симли уланишлар

Юқори/паст кучланишли тақсимлаш қувват трансформаторининг юқори кучланишли тақсимлаш хоначалари билан паст кучланишли панели орасидаги уланишлар «Тавсифи/Тушунтиришлар» бўлимида турлари, кесмалари ва микдори одатдаги (турли) расмларда кўрсатилган ўтказгичларни фойдаланиш билан бажарилади.

Уланишларда фойдаланиладиган ўтказгичларда қуидаги жадвалга кўра фазали белгиларнинг бири амалга оширилади.

2-Жадвал

Фазалар	1-Фаза	2-Фаза	3-Фаза	Нолли Нейтрал
Ҳарфли-сонли белгилаш	L1	L2	L3	N
Ранг билан белгилаш	Кул ранг	Қора	Қўнғир	Ҳаво ранг

Юқори/паст кучланишли тақсимлаш қувват трансформаторидаги паст кучланиш клеммалари ва паст кучланишли панелидаги кириш клеммалари симли уланишлар бажарилгандан кейин махсус изоляция материали ёки ускунаси билан изоляцияланади. Ишлатиладиган ускуна енгил ечилиб ўрнатиладига бўлади.

Юқори/паст кучланишли тақсимлаш қувват трансформатори ва паст кучланишли панели орасида мис шинани фойдаланиш ҳолатида шиналар махсус изоляция материали ёки ускунасини фойдаланиш орқали тўсатдан тегиб кетишдан изоляцияланади.

Эслатма: Агар материаллар тизими/рўйхатидан кўрсатилган бўлса трансформатор ва паст кучланишли панели орасида шина ўтказгич билан уланиш фойдаланилади.

3.5 Симли учлари

Ички ўрнатиш симли учлар (симли бошчалари) юқори кучланишли ускуналарнинг симли кириш/чиқишиларида фойдаланилади. Ишлатилаётган симли учлар тегишли ТЕДАШ (TEDAŞ-TÜRKIE ЭЛЕКТРИК ДАГЫТЫМ Аноним Ширкети/AO «ТУРКИЯНИНГ ТАҚСИМЛОВЧИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»)нинг техник шартларигнинг талабларига мос бўлади.

Юқори/паст кучланишли тақсимлаш қувват трансформаторларининг юқори кучланишли кириш/чиқишиларида ажратиб олинадиган алоқа уланишини таъминловчи экранлаштирилган симнинг 250-амперли L – тарзли ёки яssi симли учлари (алоқа-қисмлари) фойдаланилади.

3.6. Ерга улаш тизимлари

Ерга улаш тизими мавжуд стандартлар ва меъёрий хужжатларга кўра бажариладиган бўлади.

3.6.1 Ҳимоя ерга улаш тизими:

Ихчам подстанциянинг темир бетонли корпусининг пўлат (темир) арматураси, эшиклар (мослашувчан ўтказгичлар ва б.к.), ихчам подстанцияда фойдаланиладиган барча ускуналарнинг ерга улаш клеммалари, металл экранлар ва симларнинг бошқа металл қисмлари трансформатор бўлимининг осон ва енгил кўзга кўриниш жойида ўрнатилган потенциални тенглаштирувчи шина билан уланади.

Улаш ўтказгичларининг турлари ва кўндаланг кесмалари, шунингдек потенциални тенглаштириш шиналари 2-Иловада кўрсатилган талабларга мос келиши шарт.

Потенциални тенглаштириш шинасини ташки ерга улаш тизимига улаш Харидор/Буюртмачи томонидан монтаж ўрнида амалга оширилади.

Умуман ерга улаш тизими занжирининг узлуксизлиги ток натижасида вужудга келган ва ўтказиш лозим бўлган иссиқлик ва механик кучларни эътиборга олган ҳолда таъминланадиган бўлади.

3.6.2. Эксплуатация (ишлаш) ерга улаши:

Эксплуатация (ишлаш) ерга улаши Харидор/Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.7. Ички ёритиш

Ихчам подстанциянинг бўлимлари алоҳида ичкаридан ёритиладиган бўлади, ёритишнинг ўртacha даражаси 250 люксдан кам бўлмайди.

Ҳар бир эшикда ички ёритиш учун ўтказувчан ва доимий токнинг икки ёруғ диодли чироқлари кўйилади. Ўтказувчан токнинг чироги паст кучланишли панелдан тўйинади (кувват олади), доимий ток чироги эса қувват батареяларининг гурухи билан тузатгичдан тўйинади.

Ҳар бир эшикда эшикни ёпишда ўтказувчан ва доимий ток ёритиши чироқларини ёқилган ҳолда қолдиришнинг олдини олиш учун ўтказувчан ва доимий ток ёритиши чироқларини автоматик ўчириш учун ажратгич ўрнатилади.

Ёритиш обьектида кўп пайли, 750В синфидағи термопластик изоляция билан мис ўтказгичли иссиқликка мустаҳкам ва оловга чидамли $1,5\text{mm}^2$ мм кесмадан кам бўлмаган симлар ишлатилади.

Кувват батареяларининг гурухи билан тузатгич бўлмаган ҳолларда ёритища фойдаланиладиган ёруғлик диодли чироқлар ўзларининг шахсий қувват батареяларига эга бўлади ва ўзгарувчан ток ўчирилган ҳолларда ўз қувват батареяларидан икки соат мобайнida қувват олади. (Агар тегишли асбобнинг ажратгичи ўчирилган ҳолатда бўлмаса ўзгарувчан токни ўчирганда чироқ ёнмайди).

3.8. Қувват батареяларининг гурухи билан тузатгич

Ихчам подстанцияларда подстанциянинг доимий ток юкламаларига уланган, доимий кучланишли ва автомат турда тартибга солинувчи, токни чекловчи ярим ўтказгичли тузатгич билан, шу тузатгич орқали қувватланувчи ва доим шу тузатгичга уланган хизмат кўрсатилмайдиган қуруқ қувват батареялари бўлади. Бу гурух кейинчалик «кувват батареялари гурухи билан тузатгич» деб аталади.

Ўзгарувчан токни ўчиришда носозликнинг назорат чироқлари, юқори кучланишли панеллардаги пружинали келтиргичлар, сигнал чироқларининг реле ва қулфлари шу гурухдаги қувват батареясидан/қувват батареяларидан қувват олади.

Бу қувват батареялари 8 соат мобайнida ёқилган ҳолатдаги носозликни назорат қилиш чироғини қувватлантириши мумкин.

Кувват батареялари гурухлари билан тузатгичнинг номинал чиқиши кучланиши, батареяларининг (Ac) ампер-соатининг моҳияти(қиймати) ва юкламанинг чиқиши токни Харидор/Буюртмачи томонидан материаллар тизими/рўйхатида кўрсатилади.

3.8.1 Қувват батареялари гурухи билан тузатгичларининг таркибий қисмининг ҳусусиятлари.

а) Барча қурилмалар алмаштириш имконияти билан ихчам, эришиш мумкин/ енгил қўл етказиш мумкин бўлади. Қувват батареялари бўлимида иссиқлик ажратиб чиқарувчи компонентлар бўлмайди.

б) Корпуси A1 синфидағи қалинлиги $1,5\text{ mm}^2$ бўлган RAL 7035 қукун бўёқнинг электростатистик чангига билан бўялган углеродли юпқа пўлатдан ясалади.

с) Металл корпусда шамоллатиш пардалари (жалюзи) ўрнатилади, корпушнинг ҳимоя даражаси IP 22 бўлади.

д) Олдинги қопқоғи илмоқ ва қулфга, ва ташиш учун қулай дастага эга бўлади. Кириш/чиқиши олдиндан ҳимоя қилиш воситаларига қопқоқни очмасдан қўл етказиш мумкин.

е). Назорат ва бошқариш қулфлари олдинги юзада жойлашган ва ўзгарувчан токни ўчирганда ҳам ишлашни давом эттиради.

ё). Қувват батареяларининг қутилари 24В га шарли йўналтирувчи тизимли ва шахсий розетка/ажратиб олувчисига эга. Қувват батареялари контурга бир вақтда кириб, бир вақтда чиқади. 110 В батареялари стационар ҳолатида бўлади.

- ж) Симли кириш/чиқишилар шёткали ҳимоя билан бўлади, клеммалар (токни чиқарувчилар)нинг уланиши оқимдаги қувват хажми (сигим – қувватлагичдан олинадиган электр микдорини кўрсатади) биттага юқори бўлади.
- з) Корпусдаги зарур белгилар ва чизмалар аниқ ва узоқ чидамли бўлиши керак.
- и) Қувват батареялари гурухи билан тузатгиччан -20°дан 40°C гача ҳароратда ишлаш учун сертификатланган бўлиши лозим.

3.8.2 Қувват батареялари гурухи билан тузатгичларнинг электрли хусусиятлари (тавсифи)

- а) Кириш қисмида 50 Гц ($\pm 2\%$) частотали, ($\pm 20\%$)ли 220/230В ўзгарувчан токнинг кириш кучланиши билан лойиҳалаштириб, тайёрланган ажратувчи трансформатор ишлатилади, $\pm 1\%$ чиқишини таъминловчи чиқиш кучланиши билан чиқиш кучланиши пульсацияси батареясиз иш тартибида 5% дан кам бўлади. Чиқиш токи пульсациясининг моҳияти(қиймати) тўлиқ юкламада қабул қилинади.
- б) Қувватлаш қуроли (зарядловчи қурилмалар) микропроцессор томонидан бошқариладиган тиристорли, ток ва кучни тартибга солувчи. Доимий токнинг чиқиш кучланиши 0,1 В қадами билан, қувватлаш (зарядловчи) токини эса 0,1 А қадами билан тартибга солиш мумкин.
- в) Секин ишга тушириш қуроли қувватлагични ишга солиши хизматига эга бўлади.
- г) Аккумуляторни қувватлагичнинг токи ва чиқиш токи бир биридан мустақил бўлиши керак, аккумуляторлар хусусий номинал моҳиятининг(қийматининг) токи билан қувватланиши зарур. Чиқиш токининг максимал моҳияти(қиймати) батареялар учун ҳеч қачон қувватлаш токи бўлмаслиги лозим.
- Аккумуляторлар ампер-соатларда ўзининг сиғим моҳиятидан ток билан (максимал 10%) қувват олиши зарур. (Қувватлашнинг максимал токи аккумуляторни ишлаб чиқарувчи томонидан Аккумуляторни қувватлаш кучланиши кўрсатилган моҳиятга(қийматига) мос бўлиши керак.)
- д) Аккумуляторни қувватлаш кучланиши қувватлаш номинал кучланишидан 90% дан 120% гача тартибга солиниши мумкин.
- е) Қувват батареялари гурухи билан тузатгичнинг кириш/чиқишилардаги вақтинчалик ёки доимий носозликлар (қисқа туташув) ҳолатида олдиндан ҳимоягача қурилмаси аниқ электрон усул билан ҳимоя қилинади, ва бундай ҳоллар бошқа олдиндан ҳимоя воситалари ишламайди.
- ё) Кириш/чиқиш олдиндан ҳимоя воситалари «С» турида бўлиши лозим. Кириш/чиқиш олдиндан ҳимоя воситалари ва батареяларнинг олдиндан ҳимоя қилиш воситалари қуруқ алоқа орқали меъёрий ёпиқ ҳолатдаги ёрдамчи алоқалар олдиндан ҳимоя қилиш воситаси куйганини, клеммага қўшилишини кўрсатувчи ёрдамчи (эркин) алоқаларга эга бўлади. Қисқа туташув вақтида автоматик олдиндан ҳимоя қилиш воситасининг ўчирувчи хусусияти 10 кА ни ташкил этади.
- ж) Аккумуляторли батареялар TS 13 52-3 EN 60896-22 стандартига кўра қуруқ типдаги (VRLA) хизмат қилинмайдиган тўлиқ ёпиқ ҳолатда бўлади, ишлаб чиқарилиш санасидан ва етказиб бериш санаси орасида максимум 6 (олти) ой бўлиши лозим. Кутилган хизмат қилиш муддати 10 йилни ташкил этади.
- з) Батареялар ҳар қандай ҳолатда электролитнинг оқиб кетишисиз ишлатиш учун қулай бўлади (вертикал, горизонтал, эгилган ва б.к.).
- и) Ҳар бир батареянинг номинал кучланиши 12 В (DC-доимий токнинг), минимал сиғимли 26 Ач бўлади.
- й) Назорат блогининг ва бошқаришнинг конструкцияси СК-дисплейидан ва кириш/чиқиш кучланишини, аккумулятор қувватининг токини, юклама токини, хатоларни (доимий токнинг паст даражаси, огоҳлантирувчи сигналлар), юқори/паст доимий/ ўзгарувчан токни, қизиб кетишини, доимий токнинг \pm оқиб кетиши, қурилма ҳароратини, совитиш қурилмасининг иш ҳароратини, шамоллатиш қурилмасининг носозлигини, ортиқ юкни, қисқа туташувнинг носозлигини битта экранда кўрсатиш қобилияти билан Харидорнинг/Буюртмачи талабларига кўра, қуруқ алоқани чиқариш ёки Modbus каби стандартли саноат алоқаси қайдномаси ёрдамида кўрсатиш

ва назорат қилиш имкониятига эга бўлиши керак ёки улар учун носозликлар тўғрисида сигналлар юборилиб туриши зарур.

к) Батареялар чукур разрядга чидамли бўлади ва мустақил аккредитацияланган лабораториянинг одатдаги(турли) синовлари тўғрисидаги синовларга (одатдаги (турли) синовларининг хуносасига) эга бўлади.

л) Тузатгич разряд блоки фаол бўлади ва батареяга хизмат кўрсатилгандан кейин ўчирилади. Кувватни тугатиш блоки учун юклама билинмаслиги ҳам мумкин, тизимнинг ўзи табий юклама сифатида қувватни тугатиш жараёнини юритиши мумкин.

м) Батареяга хизмат кўрсатиш жараёнида тузатгич батарея сифимининг камайишини аниқлаш ва огоҳлантирувчи алоқани таъминлаш учун батарея разрядининг эгрисин сканерлайди.

н) Доимий токнинг тизимли блоги батареягаавтоматик хизмат кўрсатишимкониятига эга бўлиши керак. Батареяга автоматик хизмат кўрсатишнинг моҳияти ишга туширишнинг оддийлиги ва батарея хизмати муддатини узайтириш учун бошқариш блогидан осон тартибга солиниб туриши лозим. Батареяга автоматик хизмат курсатиш зарурхолатда бекор қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

о) Харидорнинг/Буюртмачининг талаби билан «SCADA» диспетчерлик назорати ва маълумотлар йиғиш тизими билан мос келади.

3.9 Ҳимоя-назорат ва сигнал тизими

Ихчам подстанциянинг ҳимоя-назорат ва сигнал тизими ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатиладиган бўлади. Тегишли электр чизмалар тендер/тижорат таклифи билан тақдим этилади. Назорат қилишнинг, бошқариш, юқори/паст кучланишли тақсимлаш трасформаторининг ўзининг ҳимоя қурилмаларидан келадиган «огоҳлантириш» ва «ўчириш» сигналларини шакллантириш учун зарур қурилмалар (Бухгольц релеси/герметик ҳимоя релеси, икки алоқали термометр, ёғ сатхининг индикатори ва б.к.) термореле ва бошқа ҳимоя ва бошқариш қурилмалари ўрнатилади.

3.10 Носозлик индикатори қурилмаси (НИҚ)⁵

Носозлик индикатори қурилмаси ТЕДАШ (TEDAŞ-TÜRKIE ЭЛЕКТРИК ДАГЫТЫМ Аноним Ширкети/АО «ТУРКИЯНИНГ ТАҚСИМЛОВЧИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»)нинг тегишли техник шартларига мос келади ва «SCADA» диспетчерлик назорати ва маълумотлар йиғиш тизимида уланиш учун алоқа конструкциясига эга бўлади. НИҚнинг бир қисми бўлган носозликнинг индикаторли чироғи ихчам подстанциянинг ташқи қисмida кўринарли жойда ўрнатилган бўлади.

4. КЎРСАТКИЧЛАР ВА ОГОҲЛАНТИРУВЧИ БЕЛГИЛАР

а) Ихчам подстанциянинг ҳар бир бўлим эшигининг ташқи юзасида:

- Ҳавфсизлик белгилари ва соғлик қоидаларига кўра «электр ҳафсизлиги»нинг мавжудлигини кўрсатувчи огоҳлантириш белгилари,
- Юқори кучланишли бўлимда «Юқори кучланиш бўлими», трансформаторли бўлимда «Трансформаторли бўлим», паст кучланишли бўлимда «Паст кучланишли панель бўлими» кўрсаткичлар 6-Иловада кўрсатилган кўрсаткичлар ва огоҳлантириш белгилари ўлчамларига мос ўлчамларда кўрсаткичлар ўрнатилади.

Бундан ташқари юқори кучланишли бўлим эшигининг юқори қисмida ишлаб чиқарувчи номи ва савдо маркаси, тур мазмуни, ишлаб чиқариш йили, серия рақами, ихчам подстанциянинг номинал қуввати, Харидорнинг/Буюртмачининг буюртма рақами ва материал коди, ички ёй синфи ва стандарт рақами кўрсатилган 6-Иловада кўрсатилган кўрсаткичлар ва огоҳлантириш белгилари ўлчамларига мос ўлчамларда кўрсаткичлар ўрнатилади. Кўрсаткичлар ва огоҳлантириш белгилари коррозияга қарши материаллардан тайёрланиб, зангламайдиган пўлатдан тайёрланган винтлар билан мустаҳкамланиб ўрнатилади.

⁵ Носозликлар индикатори тизими агар бошқаси материаллар тизими/рўйхатида кўрсатилмаган бўлса фидерда (киришида ва чиқишида) ўрнатилади.

б) Ихчам подстанциянинг ичкарисида:

- паст/юқори кучланишли уланиш/қўшилишнинг бир чизиги ва чизмаси⁶,
- Кўллаш бўйича йўриқнома⁷,
- Ҳимоя – назорат ва сигнал тизими учун электр чизмаси⁸,
- Ихчам подстанциянинг ахборот шакли⁹,
- Ёғли ва қуруқ тақсимлаш қувват трансформаторларининг корпуси¹⁰ синфи учун «Йўл кўйиладиган юкламаларнинг эгриси(чизмаси)».

5. КОРРОЗИЯДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ

5.1 Умумий

Кўйидаги чоралар коррозиядан ҳимоя қилиш учун қўлланилади:

- Барча юзалар иложи борича сувга чидамли бўлиши зарур.
- Металл бўлимлар коррозияга чидамли материалдан ясалган, уларнинг юзаси эса коррозияни камайтириш учун ишлаб чиқилган бўлиши керак.
- Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материал, гальваник коррозияни келтириб чиқармайдиган ҳолатда ўрнатилади.
- Коррозиядан ҳимояланиши лозим бўлган юзалар яssi, заҳмланмаган, тоза ва қопламанинг хизмат муддатига таъсир кўрсатувчи моддалардан тоза бўлиши керак.
- Ихчам подстанцияни қуриш ва ийғишда фойдаланиладиган барча мурватлар, гайкалар, қисиши ҳалқалари ва бошқа материаллари зангламайдиган пўлатдан ёки руҳланган пўлат материаллардан ясалади.

5.2 Бўяш

Ихчам подстанциянинг (гальванизация устидан) эшиклари ва шамоллатиш пардалари (жалюзи) бўялган бўлади.

Ишлаб чиқарувчи бўяш ўрнини, бўёқ турини, миқдорини, рангини ва қалинлигини ўзининг тендер/тижорат таклифида (Харидорга/Буюртмачига) аниқ кўрсатади.

Металл юзаларни бўяшда:

- Юзалар стандартларда назарда тутилган усуулларга кўра тозаланади.
- Бўёқ сифати лак бўқ қоплама қалинлиги ва унинг адгезия назорати билан аниқланадиган бўлади. Бундан ташқари, стандартларда назарда тутилган бошқа бошқа синовлар ҳам қўлланилади.
- Бўёқнинг қалинлиги бешта ихтиёрий танланган нукталарда бўёқни назорат қилиш қурилмаси ёрдамида ўлчанади.
 - Лак бўёқ қатламининг адгезияси (ёпишиши) TS 4313 EN ISO 2409 стандартининг талабларига кўра лентани бешта тасодифий танланган нуктада ёпиштириш усули билан текширилади. Синов натижалари шу стандарт бўйича 1 синфдан ночор бўлмаслиги керак.
- в) Электр токи натижасида рўй берган баҳтсиз ҳодисаларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича суратли плакатлар (сунъий нафас бериш, юрак массажи ва б.к.) ихчам подстанциянинг юқори кучланишли хоначалари ва паст кучланишли панелининг эшикларининг ички қисмининг юқори қисмида ўрнатилади.

^{6 7 8 9} Улар юқори кучланишли бўлимнинг ён деворининг ички юзасида ҳимоя қавати билан қопланган чўнтакка солинади.

¹⁰ Йўл кўйилган юкламаларнинг эгриси (чизмаси) паст кучланишли бўлимнинг кўринарли қисмида перчин билан деворга ўхшаш ўрнатилган алюминий юзага чизилган бўлади.

Бетон корпусни бўяш бўйича ишларни бажаришда¹¹:

Ташқи юзалар (шу жумладан томи) ташқи қўллаш учун силикон асосидаги шпатлевка билан қопланади, ён деворлари эса плакатлар, афишалар, эълонларнинг ёпишишининг олдини олиш учун ташқи қўллаш учун силикон асосидаги текстура қилинган ўзининг бўёғи билан бўялади. Томдан сув ўтмаслиги учун, томнинг ташқи юзаси химиявий таркиблар билан қопланиб, кейин уларга бўёқ суркалади.

5.3 Гальванизациялаш

Метал эшиклар, шамоллаштириш мосламалари ва ихчам подстанцияларнинг кабел каналлари люклари гальванизацияланади.

Агар ишлаб чиқаришда тайёр гальванизли иссиқ гальванизли плиталар ишлатилган бўлса, у ҳолда TS 822 стандартига мувофиқ гальванизли пўлат юпқалардан рух қопламасининг массаси, (бир квадрат метр майдонга эга текис қатламнинг иккала юзасига ётқизилган рухнинг умумий микдори), максимал номинал қиймати $381\text{г}/\text{м}^2$ ни ташкил этади (уч балли синовлар учун ўртacha қиймат $575\text{г}/\text{м}^2$) ёки ISO 4998 стандартига мувофиқ. Уч балли синовларнинг ўртacha қиймати $275\text{г}/\text{м}^2$ (Z275 синф) бўлади.

Юпқа металга ишлов беридан кейин иссиқ далдирма гальванизацияси ҳолатида, гальванизациялаш жараёни ва гальванизли сиртларда синов TS EN ISO 1461 стандартга мувофиқ амалга оширилади. Агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, гальванизли қопламанинг қалинлиги ИС ИСО ИСО 1461 стандартининг 1-жадвал / чизмасига мос келади.

Барча металл қисмларни, шу жумладан мурват ва иплардек винтларни иссиқ гальванизациялаш ишлов берилгандан кейин амалга оширилиши керак, буклаш, кесиш, бурғулаш, тешиш, маркалаш ва пайвандлаш, сиртларни қумлаш ва кимёвий тозалаш йўли билан занг ва мойдан яхшилаб тозалаш в.х.

Бўяш ва гальванизациялаш мумкин бўлмаган кичик қисмларнинг ташқи қисмлари зангламайдиган пўлатдан, ички қисмлар эса зангламайдиган ёки гальванизли пўлатдан ясалган булади, қопламаси электролитли гальванизация бўлади.

Гальванизли пўлатнинг қалинлиги камида 12 микрон бўлиши керак ва гальванизациядан кейин улар тегишли технология билан пассивлаштирилиши керак.

Гальванизланган ёнғоқ, ёнғоқнинг ўймасини калибиравш ва тозалашдан кейин сув ўтказмайдиган ва коррозияга қарши мой билан ёғланади.

11 Бетон корпуснинг ички юзалари бўялмайди.

Резервуар бўлимнинг грунт билан алоқада бўладиган ташқи юзалари бетонни гидроизоляциялаш ва коррозиядан ҳимоя қилувчи тегишли химиявий материал билан қопланади.

6. МОНТАЖ МАЙДОНЧАСИДА ЎРНАТИШ

Иҳчам подстанцияларни ишга тушириш, қурилиш ишларини талаб қиласлиги керак. Харидор қуидаги ишларни бажариши керак бўлади:

- Ер ости ишлари ва бетонларни текислаш,

- Топраклама тизимини яратиш, ташқи топраклама тизимиға потенциал тенглаштириш шинани улаш,
